



«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни маддоҳларнинг юзига тупроқ сочишга буюрганлар» (Имом Муслим ривояти).

Микдод розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни маддоҳларнинг юзига тупроқ сочишга буюрганлар» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бировни ошириб мақташдан қайтарганлар, чунки бу билан мақталаётган одам фитналаниши мумкин. Шунингдек, мақтаганда ҳам жазм билан мақтамаслик кераклигига йўллаганлар, чунки бировнинг ҳолати бизга махфий, фақат зоҳирини биламиз. Ошириб мақтайдиган ва маддоҳликни касб қилиб олган одамларнинг юзига тупроқ сочишга буюрганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ошириб-тошириб мақташдан қайтарилдик;
2. Мақтовчи мақтовини ташқи ҳолатга чеклаши ва: «Шундай бўлса керак, деб ўйлайман, Аллоҳ ўзи билади», дейиши лозим;
3. Маддоҳларнинг юзига тупроқ сочишга буюрилдик.